

Тавҳид ва “Лаа илаҳа иллаллоҳ”нинг изоҳи




**Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб
ат-Тамимий**

Мутаржим: Абу Абдуллоҳ Шоший

تفسير التوحيد وشهادة أن لا إله إلا الله

(باللغة الأوزبكية)



الشيخ محمد بن عبد الوهاب التميمي

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة

هاتف: +966114454900 فاكس: +9661144970126 ص ب: 29465 الرياض: 11457

ISLAMIC PROPAGATION OFFICE IN RABWAH

P.O.BOX 29465 RIYADH 11457 TEL: +966 11 4454900 FAX: +966 11 4970126



OFFICERABWAH

Ушбу рисола шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ат-Тамимийнинг “Китабут-тавҳид аллази ҳува ҳаққуллоҳи алал абийд” китобидан таржима қилинган бўлиб, унда китобнинг 6-боби бўлган Тавҳид ва “Лаа илаҳа иллаллоҳ”нинг изоҳи ҳақидаги боб баён қилинган.

6- боб: Тавҳид ва “Лаа илаҳа иллаллоҳ”нинг изоҳи ҳақида

Аллоҳ азза ва жалла шундай марҳамат қилди:

﴿أُولَئِكَ الَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ الْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ﴾ الآية.

“Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсалар-нинг ўзлари ҳам Раббиларига қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар. У зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлурлар, азобидан қўрқурлар. Раббингизнинг азоби қўрқинчлидир”.¹

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ إِنَّنِي بَرَاءٌ مِّمَّا تَعْبُدُونَ * إِلَّا الَّذِي فَطَرَنِي﴾
الآية.

“Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: “Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан безордирман. Магар мени яратган Зотгагина (ибодат қилурман). Бас, албатта У мени (Ҳақ динга) ҳидоят қилажак”.²

﴿اتَّخَذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرُهْبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِّن دُونِ اللَّهِ﴾ الآية.

“Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масих бинни Марямни Парвардигор, деб билдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга маъмур (буюрилган) эдилар.

¹ Исро: 57.

² Зухруф: 26 – 27.

Ҳеч илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покдир”.³

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ اللَّهِ أَندَاداً يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ﴾
الآية.

“Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севган-дек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир. Бундай золимлар азобга рўбарў бўладиган замонларида (Қиёмат Кунисида) бутун куч-қудрат Аллоҳники бўлишини ва Аллоҳнинг азоби қаттиқ азоб эканини билсалар эди”.⁴

“Саҳиҳ” ҳадислар тўпламида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай ривоят қилинди:

((من قال لا إله إلا الله وكفر بما يعبد من دون الله حرم ماله ودمه
وحسابه على الله عز وجل)).

“Ким “Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ”, деб, Аллоҳдан бошқа ибодат қилинадиган нарсаларга кофир бўлса, моли ва қони (бошқалар учун) ҳаромдир. Ҳисоби эса Аллоҳ азза ва жаллага ҳаволадир”.⁵

Ушбу сарлавҳанинг шарҳи бундан кейинги бобларда келади.

³ Тавба: 31.

⁴ Бақара: 165.

⁵ Муслим (1/53).

Бу бобдан улкан масалалар чиқади, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилар:

- Тавҳид ва шаҳодатнинг тафсири. Улар очиқ-равшан ишлар билан баён қилинди.
- Исро сурасининг ояти, унда (ўлиб кетган) солих инсонларга дуо қилаётган мушрикларга раддия берилган ва унинг айни катта ширк эканлиги баён қилинган.
- Бароат сурасининг ояти, унда Аллоҳни қўйиб ўзларининг олим ва руҳбонларини “раб” қилиб олган аҳли китобларнинг ҳоли, уларнинг фақат якка илоҳга ибодат қилишга буюрилганликлари ҳамда олимлар ва обидларга маъсият ишларда итоат қилиш уларни ўзларига худо қилиб олиш эканлиги очиқ-равшан баён қилинган.
- Халил Иброҳим алайҳиссаломнинг кофирларга: “Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан безордирман”, деган сўзлари. Унда бутун маъбудлардан безорман деётганида Раб таолони истисно қилди. Аллоҳ таоло ушбу бароат — безорликни ва муволот — дўст тутишликни зикр қилдики, у “лаа илаха иллаллоҳ”, деб гувоҳлик беришнинг тафсиридир. Аллоҳ деди: **“У (Иброҳим) ўшани (яъни, ўзининг ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиши ҳақидаги сўзни ўзидан кейин келадиган зурриёт-авлодлари ҳам Унга) қайтишлари учун ўз ортида қолгувчи сўз қилди”**⁶.
- Бақара сурасининг кофирлар ҳақидаги ояти. Аллоҳ таоло уларга деди: “ва улар жаҳаннамдан чиқувчи бўлмайдилар”. Улар Аллоҳга тенгдош қилиб олган нарсаларини Аллоҳни яхши кўргандек яхши кўришар эди, деганидан кўринадики, улар Аллоҳни жуда қаттиқ яхши кўрардилар, лекин бу уларни Исломга

⁶ Зухруф: 28.

олиб кирмади. Энди, ўзларининг маъбудларини Аллоҳдан кўпроқ яхши кўрганлар қандай бўлиши мумкин?! Фақат маъбудларини яхши кўриб, Аллоҳга ҳеч насиба айирмаганларчи?!

- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Ким “Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ”, деб, Аллоҳдан бошқа ибодат қилинадиган нарсаларга кофир бўлса, моли ва қони (бошқалар учун) ҳаромдир. Ҳисоби эса Аллоҳ азза ва жаллага ҳаволадир”, деган сўзлари. Бу “лаа илаҳа иллаҳ”нинг маъносини баён қилган энг катта далиллардандир. Ҳадисда тавҳид калимасини талаффуз қилишни кишининг моли ва қонини ҳимоя қилувчи қилинмади, ҳатто талаффуз қилиш билан бирга маъносини билишни ҳам, ҳатто унга иқроп бўлишни ҳам, ёлғиз Аллоҳга дуо қилиб, Унга шерик қилмасликни ҳам кишининг моли ва қонини ҳимоя қилувчи қилинмади. Балки, буларга кўшимча Аллоҳдан бошқа ибодат қилинадиган нарсаларни инкор қилмагунича кишининг моли ва қонини ҳимоя қилувчи қилинмади. Агар мазкур нарсаларда шакшубҳа қилса, ёки иккиланиб тўхтаб қолса ҳам моли ва қони ҳаром қилинмайди. Бу нақадар буюк ва улуғ масала бўлмаса! Бу қандай ҳам очиқ-равшан баён ва ҳеч гап-сўзсиз, кескин ҳужжат бўлмаса!